


Соғлиқни сақлаш вазирлиги: КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИГА ЧАЛИНГАН ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНЛИК БЕМОР ҮПКА ВА ҮТКИР НАФАС ЕТИШМОВЧИЛИГИДАН ВАФОТ ЭТДИ

Қорақалпоғистон Республикаси Тахиатош туманида яшовчи, 62 ёшли Б.Я. (эркак) жорий йил 10 июнь куни Қозоғистондан келганилиги сабабли Карантин марказига жойлаштирилган.

15 июнь куни эса ҳамроҳ касалликлари туфайли Яккасарой туман шифохонасига ётқизилган.



19 июнь куни унда коронавирус аниқланған ва Тошкент тиббиёт академияси күп тармоқли клиникасига үтказилған ҳамда үтгап кунлар давомида реанимация бўлимида бўлған.

Унга юрак ишемик касаллиги, стенокардия, сурункали юрак, буйрак, жигар етишмовчилиги каби қатор касалликлар бўйича ташхис қўйилган.

Бемор бундан аввал, охирги 5 йил давомида юрак ишемик касаллиги, стенокардия, сурункали юрак ва жигар етишмовчилиги ташхиси билан даволаниб келган.

Беморнинг даволаниши давомида кунлик аҳволи етакчи шифокорлар, шунингдек, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази мутахассислари томонидан телемедицина орқали консилиумлар үтказилиб, доимий назоратга олинган.

Бироқ шифокорларнинг стандартлар асосида үтказган тезкор реанимацион муолажаларига қарамасдан bemor үпка ва үткир нафас етишмовчилигидан вафот этди.

**Соғлиқни сақлаш вазирлиги
Жамоатчилик билан алоқалар бўлими.**

Вазирлик расмий канали — @ssvuz